

Устунлик фақат тақво биландир



14:00 / 27.02.2023 1837

Суратда, 1906 йил, Америка ҳайвонот боғларидан бирида томошага қўйилган филиппинлик бола. Унга худди маймун каби олдига егулик ва овқатлар отишмоқда. Аслини олганда у ҳам христиан оиласидан бўлган, уларнинг диндоши эди.

Ғарб дунёси тахминан 70 йил олдин ҳам африкалик ёки осийликлар ҳам одам эканига асло кўника олмаган. Черковларига кирганда ҳам оқ танлилар алоҳида, африкалик қора танлилар алоҳида ибодат қилишган.

Энди динимизга, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга назар соладиган бўлсак, Макка шаҳрини фатҳ қилганларида Каъба эшиги олдида туриб: «Қани Билол?», сўрадилар. Сўнга шундай дедилар: «Эй Қурайш аҳли! Мен Билолни мана шу Каъба эшиклари олдида қийнаб азоблаганингларни асло унутмайман». Билол келгач эса унга қараб: «Эй Билол, Каъбани ичига мен билан кир. Ҳозир бу ерда мен билан сендан ўзга ҳеч ким намоз ўқимайди» дедилар.

Каъба ичида икки ракат намозни адо қилишгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол ибн Рабоҳага қараб: «Бўлгин, Каъбани томига чиқ. Эй Билол, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳнинг наздида ушбу Каъбанинг қадри улуғдир. Лекин Аллоҳга қасамки, бугун сенинг қадринг унданда улуғдир», дедилар.

Ўшанда, (асли эфиопиялик қул бўлган, биринчилардан Исломни қабул қилган, кейинчалик Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу томонларидан сотиб олиниб озод этилган) Билол Ҳабаший Каъбанинг томида туриб, Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг издошлари саҳоба розияллоҳу анҳумлардан иборат 10 минг кишилик улкан қўшини олдида азон айтган эдилар.

Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида: «Эй инсонлар, эҳтиёт бўлинглар, Роббингиз бир, отангиз бир. Арабнинг ажамдан (араб бўлмаган) афзаллиги йўқ, ажамнинг арабдан, оқ танлининг қора танлидан, ёки қора танлининг оқ танлидан устунлиги йўқ, устунлик фақат тақво биландир», дея марҳамат қилганлар.

**Бобур
Аҳмад
таржима**